

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА**  
**БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ХАСАНОВА КАМОЛА МУСАДЖАНОВНА**

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИДА УЙҚУ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ**  
**ПОЛИСОМНОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА КОГНИТИВ**  
**БИХЕВИОРАЛ ТЕРАПИЯСИ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**19.00.04 – Тиббий психология**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хасанова Камола Мусаджановна**

Юрак ишемик касаллигида уйку бузилишларининг

полисомнографик кўрсаткичлари ва когнитив

бихевиориал терапияси имкониятлари..... 3

**Хасанова Камола Мусаджановна**

Полисомнографические показатели нарушений

сна при ишемической болезни сердца и

возможности когнитивно-поведенческой терапии..... 24

**Xasanova Kamola Musadjanovna**

Polysomnographic indices of sleep disorders

and possibilities of cognitive behavioral

therapy in ischemic heart disease..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published

works..... 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 04/05.05.2023. Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ХАСАНОВА КАМОЛА МУСАДЖАНОВНА**

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИДА УЙҚУ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ**  
**ПОЛИСОМНОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА КОГНИТИВ**  
**БИХЕВИОРАЛ ТЕРАПИЯСИ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**19.00.04 – Тиббий психология**  
**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3. PhD/Tib3983 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Ибодуллаев Зарифбой Ражабович,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Махкамова Наргиза Уткуровна,**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Расулов Абдимумин Ибрагимович**  
психология фанлари доктори, профессор

**Насирова Зарина Акбаровна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+998 71) 150-78-28, e-mail: [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй.Тел./факс: (99871) 214-82-90.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Ж.Матмуродов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Р.Б.Азизова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Д.К.Хайдарова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда тиббиётнинг асосий мақсади касалликларнинг олдини олиш ва хавф омиллари билан курашиш ҳамда қайта госпитализацияни олдини олиш бўлмоқда. Лекин, шунга қарамасдан, юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК), хусусан, юрак ишемик касаллиги (ЮИК) учраши ва ўлим кўрсаткичлари дунё бўйича ортиб бормоқда. Ҳозирда касалликларнинг олдини олиш ва тиббий-профилактик чора тадбирлар касалликларни ва унинг асоратларини дори-дармонлар ёрдамида даволашдан кўра, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик тарафлама манфаатлидир. Мутахассислар маълумотларига кўра «... юрак ишемик касаллиги ўлимга олиб келувчи асосий сабаблардан биридир. Барча ЮҚТК сабабли вафот этганларнинг 49% ига ЮИК ташхиси қўйилган ва 2030 йилга бориб йилига 25 миллион инсон ЮҚТК сабаб вафот этиши айтилмоқда. Европа кардиологлар жамиятининг маълумотларига кўра ҳар 1 миллион аҳоли орасида ЮИК 30-40 минг инсонда кузатилади. АҚШда эса ЮИК билан хасталанган беморлардан йилига 500000 нафари вафот этади...»<sup>1</sup>.

Жаҳонда юрак ишемик касаллигида уйқу бузилишларининг полисомнографик кўрсаткичлари ва когнитив-бихевиорал терапияси имкониятларини ўрганишда бир борасида қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда уйқу бузилишларини, хавотир ва тушкунликни баҳолаш, хотира ва диққатни аниқлаш мақсадида скрининг сўровнома ишлаб чиқиш, юрак ишемик касаллигига уйқу бузилишлари таъсирини баҳолашда полисомнография имкониятларини баҳолаш, юрак ишемик касаллигини келиб чиқишига таъсир этувчи омилларни башоратлашда сунъий интеллект усуллари яратиш, юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда уйқу бузилишларида когнитив-бихевиорал терапия алоҳида ва СРАР-терапия билан биргаликдаги самарадорлиги ҳамда юрак ишемик касаллигида уйқу бузилишларини ташхислаш ва даволаш тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг етти устивор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...» каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, юрак

---

<sup>1</sup>Dey S, Sun E, Frishman WH, Aronow WS. Sleep Disorders and Coronary Artery Disease. *Cardiol Rev.* 2023 Jul-Aug 01;31(4):219-224. doi: 10.1097/CRD.0000000000000478. Epub 2022 Oct 27. PMID: 36301202.

ишемик касаллигида уйқу бузилишларининг полисомнографик кўрсаткичлари ва когнитив-бихевиорал терапияси имкониятларини асослаш борасида тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 27 сентябрдаги ПҚ-5199-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сонли «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>2</sup> ги қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда кардиоваскуляар касалликлар (КВК)ни, жумладан ЮИКни эрта босқичларда аниқлаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш тиббий-ижтимоий вазифалардан биридир. Маълумки, касалликнинг олдини олишга қаратилган тадбирларда хавф омиллари ва биомаркерларни аниқлашга катта аҳамият берилади. ЮҚТК хавф омили сифатида гиподинамия, ортиқча вазн, чекиш билан биргаликда сурункали руҳий травма, сурункали стресс, сурункали уйқусизлик ва уйқуда нафас олишнинг бузилишига ҳам қизиқиш ошган. Сўнгги йилларда УОАС клиник кардиологиянинг долзарб муаммоларидан бўлиб келмоқда, бу синдром КВК ривожланиши ва оғир асоратларига олиб келиши ҳақида маълумотлар тўпланмоқда. ЮҚТКдан артериал гипертензия, ЮИК ва инфарктдан кейинги кардиосклероз мавжуд бўлган беморларда кўп ҳолларда УОАС аниқланади. Бу синдромни аниқлашда олтин стандарт бўлиб полисомнография (ПСГ) текшируви ҳисобланади. УОАС натижасида эрталабки қон босимининг кўтарилиши, стенокардия хуружлари, тонгги бош оғриқлари, оксидатив стресс ва қондаги гипоксемия юзага келиши ўрганилган (Полуектов М.Г., 2015; Бузунов Р.В., 2018;). Sweetman, A., Lechat, B., Appleton (2019) ва бошқалар томонидан УОАС уйқусизлик билан учраганда ЮИК кечишининг оғирлашиши ва ҳаёт сифатининг пасайиши исботланган.

Ўзбекистонда уйқу бузилишларининг организмга таъсири ва бош мия инсультада кечки уйқунинг хусусиятлари Б.Г.Гафуров ва М.А.Алиева (2023) томонидан ўрганилган. ЮИКда психоэмоционал ҳолат ва унинг касаллик

---

<sup>2</sup><https://lex.uz/docs/5841063>

кечишига таъсири Н.М. Нуриллаеванинг (2015) илмий ишларида ёритиб берилган.

Ибодуллаев З.Р (2019) томонидан ёзилган “Асаб ва руҳият” номли асарда соматик ва психосоматик касалликлар психологик томондан таҳлил қилиб таъриф берилган. Махкамова Н.У томонидан кардиологик беморларда сурункали мия ишемиясида юзага келадиган ҳавотир, тушкунлик ва когнитив бузилишларга эътибор қаратилган. Мелибаева Р.Н. (2022) томонидан тиббиёт соҳасида психологик диагностика методикаларининг қўллаш тизимини такомиллаштириш тадқиқотлари олиб борилган. ЮИК келиб чиқишига ва кечишига ҳавотир, тушкунлик ва сурункали стресс Джалилова С.Х. (2022) томонидан ўрганилган, шунингдек ЮИКнинг асоратларидан миокард инфарктининг келиб чиқишида депрессив фонга эътибор қаратиш кераклиги келтирилган. Махмудова Д.А., Хасанова К.М., Шарипова А.Х., Караханова А.А.лар томонидан психосоматика ва психотерапия асосларига оид ишлар олиб борилган (2015). Муаммо юзасидан ва Ўзбекистонда тиббий психологик хизматни ташкил қилишда Исакова М.Т (2022), Баратов Ш.Р. (2019), Илхамова Д.И (2020), Расулов А.И. (2020), Жуманиязова И.К (2022), Асрарханова Э.А. (2024), Суннатова Р.И. (2015), Нарметова Ю.К (2019), Ғозиев Э.Ғ (2022)лар ўз ишларида психосоматик касалликларнинг ҳавф омилларига ва психотерапияга аҳамият қаратганлар.

Дунёда глобаллашув, ҳаёт тарзининг ўзгариши уйқусизликка бўлган шикоятларнинг ошиб боришига олиб келмоқда. Ривожланган мамлакатларда уйқусизликка чалинганлар аҳолининг тахминан 25% ини ташкил этмоқда ва миллионлаб инсонлар уйқу дориларга қарам бўлиб қолмоқдалар. Шу билан бирга кундан кунга уйқу дориларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Уйқу бузилишлари орасида уйқудаги обструктив апноэ синдроми энг кенг тарқалган бўлиб, семизликда, юз-жағ ва юқори нафас йўллари соҳасидаги анотомик аномалиялар сабаб юзага келади. Тадқиқотлардан шулар маълум бўлдики, УОАС семизлик кузатилган беморларда сезиларли даражада юқори даражаларда кузатилиб (30-98%), бу кўрсаткич нормал тана вазнида пастрок кўрсаткичларга эга (15-26%). Шунингдек, адабиётларда УОАС метоболик ўзгаришларга олиб келиши кўрсатилган. УОАС нинг ЮҚТТга салбий таъсири натижасида артериал гипертензия, атеросклероз жараёнларининг тезлашуви, миокард ҳажмининг ошиши ва ЮИК га олиб келади. Артериал гипертензия УОАС асорати натижасида юзага келса, оптимал қон босимига эришиш жуда қийин, айниқса резистент артериал гипертензияларда. Шунингдек ЮИК ва УОАС биргаликда кузатилганда антиангинал дори-дармонлар қабул қилишга қарамасдан стенокардия хуружлари тез-тез такрорланади. Шу сабабли юқоридаги ҳолатлар кузатилганда УОАСни вақтида ташхислаш ва даволаш муҳим ҳисобланади.

Сўнгги йилларда СРАР-терапияга оид кўпгина изланишлар олиб борилмоқда. Булардан СРАР ускунасининг турли модификациялари ишлаб чиқилмоқда. Ривожланган мамлакатларда СРАР-терапия борасида алоҳида

ўқув курслари ташкиллаштирилмоқда. Апноэ/гипопноэ синдромини даволашда СРАР-терапияга асосан оғир даражадаги беморлар розилик билдиради, лекин енгил ва ўрта оғир даражадаги ўзгаришлар аниқланганлар, ёш беморлар ва аёллар бу даво усулидан воз кечади. Клиник ва патофизиологик фенотипни ҳисобга олган ҳолда ҳозирда УОАСни даволашда янги усуллар ҳаёт тарзини ўзгартириш, ортикча вазн билан курашиш, позицион терапия, пастки жағ учун мосламалар, шунингдек тил ости нерви стимуляцияси каби индивидуал даво таклиф қилинмоқда.

Янги адабиётларда СРАР-терапияга мойилликни ошириш мақсадида психотерапиядан фойдаланиш ҳақида маълумотлар тўпланмоқда. Психотерапиядан фойдаланиш нафақат терапияга мойилликни, балки касаллик сабаб юзага келган психоэмоционал бузилишларни ва инсомнияни ҳам коррекция қилишга ёрдам беради. Дунё бўйича бу синдромнинг кенг тарқалишига қарамасдан жуда кам ҳолатларда ташхисланади ва даволанади. 80% ҳолатларда ўрта ва оғир даражадаги уйқудаги апноэ аниқланмайди ва адекват даволанмайди. Бу эса ҳаёт сифатининг ёмонлашувиغا, инсулинрезистентлик ва ЮҚТК хавфининг ошишига олиб келади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №5436-012000260-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турли гуруҳлари саломатлик кўрсаткичларини тиббий-биологик, ижтимоий-генетик, экологик ва бошқа ҳаёт тарзи омиллари таъсири ҳамда аҳоли саломатлиги кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш» (2021–2023 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** турғун юрак ишемик касаллигида уйқу бузилишларини нейро-психологик синамалар орқали ташхислаш ва когнитив-бихевиорал психотерапия ёрдамида даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда уйқу бузилишлари, хавотир ва тушқунлик, хотира ва диққатни баҳолашда скрининг сўровнома ишлаб чиқиш;

юрак ишемик касаллигига уйқу бузилишлари таъсирини баҳолашда полисомнография имкониятларини баҳолаш;

юрак ишемик касаллигининг келиб чиқишига таъсир қилувчи омилларни башоратлашда сунъий интеллект усулларини яратиш;

юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда уйқу бузилишларида когнитив-бихевиорал терапия алоҳида ва уни СРАР-терапия билан биргаликдаги самарадорлигини баҳолаш;

юрак ишемик касаллигида уйқу бузилишларини ташхислаш ва даволаш тадбирларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика кардиология илмий амалий тиббиёт марказида юрак ишемик касалликларини турғун зўриқиш стенокардияси I-III функционал синфи билан кузатув остида бўлган 116 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни беморларнинг клиник-анамнестик маълумотлари, сунъий интеллект натижалари, беморларнинг уйқуси ва юрак қон-томир тизими кўрсаткичлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, функционал, инструментал, биокимёвий текширувлар, тиббий-психологик сўровномалардан Mini Kog, HADS шкаласи, Epvort, “Уйқунинг субъектив шикоятлари модификация қилинган шкала”, STOP BANG, “Уйқу бузилишларининг скрининг сўровномаси” ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

юрак ишемик касаллигига олиб келувчи хавф омиллари, уйқу бузилишларидан инсомния ва хуррак туфайли тунги уйқуда нафас олиш жараёнининг вақтинчалик ёки қисман тўхташи (апноэ/гипопноэ)нинг биргаликда кузатилиши полисомнография усулида COMISA синдромининг хасталикни башоратлашда салбий таъсирининг ўрнини уйқу бузилиши скрининг сўровномаси ҳамда субъектив шикоятлари модификация қилинган шкаланинг натижалари асосида исботланган;

юрак ишемик касаллигида полисомнография кўрсаткичларидан апноэ/гипопноэ индексининг 5/соатдан юқори бўлиши триглицерид, жуда паст зичликдаги липопротеид, атерогенлик коэффициенти, наҳорги глюкоза ва креатинининг қондаги миқдорининг ўзгариши ўртасида ўзаро тўғри корреляцион боғлиқлик натижасида хасталик асоратларининг ортиши ва ўлимнинг юзага келиши асосланган;

юрак ишемик касаллигида уйқунинг бузилишини когнитив-бихевиорал терапия кўникмаларини беморларда шакллантириш натижасида давомли ижобий ҳаво босими (CPAP) билан даволашга бўлган мойиллик, даволаниш давомийлигини ошириши билан биргаликда беморлардаги кўрқув, тушқунлик ва хавотир синдромини камайтириш орқали нафас тўхташининг олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконининг юқорилиги исботланган;

сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланган ҳолда юрак ишемик касаллигини эрта босқичида ташхислаш предикторлари ва башоратлаш таъсир этувчи аломатларини ажратиш орқали уларнинг олдини олишга қаратилган руҳий психологик тактиканинг самардорлигини баҳолаш тартиби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ЮИҚда психоэмоционал ҳолатни, уйқу бузилишларини, хуррак ва когнитив статусни аниқлашда ва кейинги даво режасини тузишда “Уйқу бузилишларининг скрининг сўровномаси”дан фойдаланиш тавсия этилган;

сўровномалар орқали уйқу бузилишлари аниқланган ҳолатларда ПСГ текширувидан фойдаланиш тавсия этилган;

уйқу бузилишларини, хусусан УОАСни даволашда СРАР-терапия билан биргаликда когнитив бихевиорал терапияни қўллаш тавсия этилган;

Random Forest сунъий интеллект натижаларига асосланган ҳолда чап қоринча миокард массаси, аорта ўлчамлари, чап қоринча якуний систолик ҳажми, овқатдан олдинги ва кейинги глюкоза миқдори, психоэмоционал статус, чап бўлмача, тана вазни индекси, жуда паст зичликдаги липопротеидлар, қоринчалар аро тўсиқ қалинлиги, АГИ, триглицеридлар, атерогенлик коэффициенти, мочевина миқдори ЮИКнинг юзага келишида ва прогнозига таъсир этувчи асосий аломатлар эканлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишида қўлланилган назарий ва амалий ёндошув ва услуб, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг долзарб ва замонавийлиги, шунингдек соғлиқни сақлаш талабларига мослиги, зарурий клиник-лаборатор, инструментал, сунъий интеллект ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар билан таққослама таҳлил қилинганлиги, белгиланган вазифаларга мос хулосалар олинганлиги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишида қўлланилган назарий ва амалий ёндашув ҳамда услуб, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг долзарб ва замонавийлиги, шунингдек соғлиқни сақлаш талабларига мослиги, зарурий клиник-лаборатор, инструментал, сунъий интеллект ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар билан таққослама таҳлил қилинганлиги, белгиланган вазифаларга мос хулосалар олинганлиги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Диссертация иши натижаларнинг амалий аҳамияти ЮИК билан оғриган беморларда уйқу бузилишларидан, хусусан УОАСни эрта аниқлаш ва даволаш кардиоваскуляр асоратлар ривожланиш ҳавфини камайтириши, эрта когнитив бузилишлар, ҳавотир ва тушқунлик юзага келишини олдини олади. Беморларда СРАР-терапия билан КБТни бирга қўллаш даволанишга бўлган мойилликни оширганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Турғун ЮИКда уйқу бузилишларининг клиник ва нейро-психологик таъсирини ўрганиш ва когнитив-бихевиорал психотерапия орқали даволаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* уйқу бузилишларини эрта босқичларда аниқлаш ва олдини олиш мақсадида “Уйқу бузилишларининг скрининг сўровномаси” ишлаб чиқилган, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиали 26 июль 2024 йил 19-сон буйруғи, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят минтақавий филиали 04.07.2024

йилдаги 42/1-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Тошкент тиббиёт академияси Эксперт кенгашининг 2024 йил 1 июлдаги 01-19007-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг 2022 йил 15 майдаги 679-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган). *Ижтимоий самарадорлиги.* Скрининг сўровнома ёрдамида уйқу бузилишларининг турини эрта даврларда аниқлаш, психоэмоционал ва когнитив ҳолатни баҳолаш ва кейинги йўналишни танлаш, яъни чуқурлаштирилган текширув – ПСГ ёки кардиореспиратор мониторингга йўналтиришга эҳтиёжни кўрсатади. Беморларда фақат уйқусизлик аниқланса ПСГ, агар хуррак ва нафас етишмовчилигига шубҳа бўлса кардиореспиратор мониторинг етарли. *Иқтисодий самарадорлиги.* Беморларда ПСГ текширувини ўқатиш 680000 сўмни (стационар шароитда тунги уйқу даврида текширилади) ташкил қилади. Кардиореспиратор мониторинг 212000 сўмни ташкил қилади (уй шароитида ҳам ўқатиш мумкин). Уйқу бузилишларининг турини аввалдан тахминий аниқлаб, кейин текширувларга юбориш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 468000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*иккинчи илмий янгилик:* ЮИКда ПСГ кўрсаткичларидан АГИнинг юқори бўлиши хавотир-тушқунлик, когнитив бузилишлар учрашини ва биокимёвий таҳлилларда мочевина, креатинин, қонда наҳордаги глюкоза ва жуда паст зичликдаги липопротеидлар микдорининг юқори бўлиши Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиалининг 26 июль 2024 йил 19-сон буйруғи, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят минтақавий филиалининг 04.07.2024 йилдаги 42/1-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Тошкент тиббиёт академияси Эксперт кенгашининг 2024 йил 1 июлдаги 01-19007-сон хулосасига кўра илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг 2022 йил 15 майдаги 679-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган). *Ижтимоий самарадорлиги:* Уйқу бузилишларидан УОАСнинг эрта даврларда аниқланиши ва коррекция қилиниши қайта госпитализациянинг олдини олади. *Иқтисодий самарадорлиги:* Уйқу бузилишлари ва оғир асоратлардан обструктив апноэ синдромини эрта аниқлаш ва даволаш қайта госпитализациянинг олдини олади. Уйқу бузилишлари ва психоэмоционал ҳолат коррекция қилинмаса ва бемор аҳволи оғирлашса, госпитализацияга йўлланма берилади, РИКИАТМ да ўртача даволаниш давомийлиги 10 кун бўлиб, 1 кунги даволаниш нархи 960000 сўмни ташкил қилади. Уйқу бузилишларини эрта аниқлаш ва даволаш ҳар бир бемор учун бюджет ҳисобидан 9600000 сўмнинг тежалишига олиб келади.

*учинчи илмий янгилик:* ЮИКда УОАС ва инсомния (COMISA) коморбид ҳолатида даволаш алгоритми ишлаб чиқилди ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон

филиалининг 26 июль 2024 йил 19-сон буйруғи, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят минтақавий филиалининг 04.07.2024 йилдаги 42/1-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Тошкент тиббиёт академияси Эксперт кенгашининг 2024 йил 1 июлдаги 01-19007-сон хулосасига кўра илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг 2022 йил 15 майдаги 679-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган). *Иқтисодий самарадорлиги:* Бир бемор учун 6 ой давомида даволаниш ўртача стандарт дориларни қабул қилишдан ташқари психофармакотерапия билан биргаликда 7 180 000 сўмни ташкил қилади. Ҳар бир бемор юқоридаги дори воситаларини ўртача 6 ой давомида қабул қилишини қуйидаги формула билан ҳисоблаш мумкин:  $D_x = (D_p + K_q + U_p) \times D_m$ , бу ерда  $D_x$  – Даволаш харажатлари,  $D_p$  – Психофармакотерапия (антидепрессант),  $K_p$  – Когнитив препаратлар,  $U_p$  - Уйқу воситалари,  $D_m$  – Даволаш муддати,  $D_x = (107\ 000 + 144\ 000 + 166\ 000) \times 6 = 2\ 502\ 000$  сўм. ЮИКларида аниқланган ҳар бир беморда уйқу бузилишлари, когнитив ўзгаришлар ва психоэмоционал статусни когнитив-бихевиорал терапия (КБТ) орқали коррекция қилинганда яъни даволаш ўртача уч марта ўтказилади ва бир курс терапия нархи 75 000 сўмни ташкил қилади. Кейинги босқичларда беморларга КБТ усулларини уй шароитида ўтказиш ўргатилади. КБТ нинг афзаллиги, ЮИК мавжуд бемор билан стационар ёки амбулатория шароитида 3 марта шуғулланилади ва кўникмаларни уй шароитида бажариш ўргатилади. КБТ ёрдамида беморлар уй шароитида дори воситаларисиз психоэмоционал ҳолат, уйқу бузилишлари ва когнитив бузилишларни коррекция қилишлари мумкин. Таклиф қилинаётган терапия учун:  $D_x = K_t \times D_m = 75\ 000 \times 3 = 225\ 000$  сўм.  $K_t$  - КВТ,  $D_m$  – Даволаш муддати, агар КБТ нинг иқтисодий самарадорлигини баҳолайдиган бўлсак:

$$\frac{(2502000 - 225000) \times 100\%}{2502000} = 91 \%, \text{ беморлар маблағи тежаллади}$$

Шундай қилиб, таклиф қилинаётган КБТни қўллаш орқали ҳар бир беморда 6 955 000 сўмни тежаб қолишга эришилади. Уйқу бузилишларида КБТни 3 марта қўллаш орқали 2277000 сўм бюджет маблағларидан иқтисод қилиш имконини берган;

*тўртинчи илмий янгилик:* ЮИКни олдини олиш, эрта ташхислаш ва башорат қилиш мақсадида илк бор сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиалининг 26 июль 2024 йил 19-сон буйруғи, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят минтақавий филиалининг 04.07.2024 йилдаги 42/1-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Тошкент тиббиёт академияси Эксперт кенгашининг 2024 йил 1 июлдаги 01-19007-сон хулосасига кўра илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг 2022 йил 15 майдаги 679-сонли хати

Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган). *Ижтимоий самарадорлиги:* Сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланган ҳолда ЮИКнинг келиб чиқишига ва прогнозига таъсир этувчи аломатлар ўрганилиб, касалликнинг эрта босқичларда юзага келишининг олди олинади ва касаллик аниқланганда эрта босқичларда коррекция қилинади. *Иқтисодий самарадорлиги:* ЮИКда уйқу бузилишлари аниқланган беморлар учун амбулатор-профилактика чоралари, миллий стандартларга асосланган ҳолда даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш моддий харажатлар миқдорини 91% га камайишини кўрсатди. ЮИКда уйқу бузилишларининг эрта даврларда аниқланиши натижасида қайта госпитализация ва ортикча маблағ сарфлашнинг олдини олиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 7 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари баён этилган, диссертация ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Юрак ишемик касаллигида уйқу бузилишлари, диагностикаси ва даволаш услублари борасидаги замонавий ёндашувлар”** деб номланган биринчи бобида адабиёт манбалари шарҳи келтирилган ва ЮИКда уйқу бузилишларини ташхислашда сўровномалар ва полисомнография текшируви, шунингдек даволаш мезонлари ёритилган.

Диссертациянинг **“Юрак ишемик касаллигида уйқу бузилишларининг клиник тавсифи ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг дизайни, материал ва услублари келтирилган. Илмий тадқиқот иши Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-

амалий тиббиёт маркази давлат муассасаси “Кардиоцеребрал патология” бўлимида 2021-2023 йиллар давомида олиб борилди. Тадқиқотга анамнезида ЮИК, турғун зўриқиш стенокардияси I-III функционал синф (ФС) ташхиси қўйилган ва уйқу бузилишлари мавжуд 38 ёшдан 76 ёшгача бўлган 116 нафар (67 нафар (58%) эркак, 50 нафар (42%) аёл) беморлар киритилди. Ўртача ёш эркаклар орасида 57 (Q<sub>1</sub>-Q<sub>3</sub>: 38-76 ёш), аёллар орасида 59 ёшни (Q<sub>1</sub>-Q<sub>3</sub>: 41-75 ёш) ташкил қилди. КБТ ва СРАР-терапия ўтказилишига қараб беморлар назорат ва асосий гуруҳларга ажратилди. Назорат гуруҳига (бу гуруҳ орқали субъектив шкалаларнинг аниқлилик даражаси баҳоланди) ЮИК ташхиси қўйилган ва уйқудан субъектив шикоят бўлган, ПСГ текширув натижасида УОАС аниқланмаган 22 нафар беморлар (АГИ $\geq$ 5 /соат) киритилди. Асосий гуруҳда беморлар сони 94 нафар бўлиб, улар 2 гуруҳга бўлинди: I гуруҳ (n=51) ПСГ текшируви натижасида УОАС аниқланган (АГИ $\leq$ 5/соат) ва базис даво шароитида КБТ ўтказилган беморлар, II гуруҳ (n=43) ПСГ текшируви натижасида УОАС аниқланган (АГИ $\leq$ 5/соат) ва базис даво шароитида КБТ билан биргаликда СРАР-терапия ўтказилган беморлар. ЮИК турғун зўриқиш стенокардияси ФС бўйича 39 (34%) нафар беморда ФС I, 41 нафари (35%) да ФС II, 36 нафари (31%) да ФС III белгиланди. АГ I – 27 (23%) нафар, АГ II – 45 (37%), АГ III – 44 (40%) нафар беморда кузатилди.

Барча беморлар тадқиқот учун қуйидаги ташхислаш жараёнлардан сўнг танлаб олинди. Уйқу бузилишлари мавжуд беморларда Ерворт, STOP BANG, УСШМҚШдан фойдаланилди (1-, 2- ва 3-иловалар). Психоэмоционал ҳолатни баҳолаш учун HADS (Hospital Anxiety and Depression Scale) хавотир ва тушкунлик клиник шкаласи (4-илова), когнитив ҳолатни баҳолашда Mini Kog тести қўлланилди. Кейинги босқичларда беморларда уйқу бузилишлари ва психоэмоционал ҳолатни баҳолаш учун “Уйқу бузилишларининг скрининг сўровномаси”дан фойдаланилди (DGU №18036, 5-илова). Беморлар билан суҳбат давомида улар уйқусизлик билан биргаликда хавотир, қўрқув, тушкунлик, хотира ва диққат бузилишларига ҳам шикоят қиладилар. Бу ўзгаришларнинг даражасини аниқлашда қатор тиббий психологик тестлардан фойдаланилади: Ерворт шкаласи, STOP BANG, хавотир ва депрессия госпитал шкаласи (HADS – Hospital Anxiety and Depression Scale), когнитив ҳолатни аниқловчи (Mini Kog), уйқунинг субъектив шикоятлари модификациялашган шкалалардан фойдаланилди. Бу тестлар инсомния, УОАС, психоэмоционал бузилишлар ва когнитив ҳолатни аниқлашда ёрдам беради.

ПСГ текшируви “Somnolab 2” (Германия, 2019) полосомнографида ўтказилди. Текширув давомийлиги 8 соат бўлиб (22:00-6:00), шу давр оралиғида ЭЭГ, ЭОГ, ЭМГ, ЭКГ, ЮҚС, сатурация (SpO<sub>2</sub>), хуррак, оғиз-бурун ҳаво оқими, апноэ/гипопноэ кўрсаткичлари, кўкрак ва қорин билан нафас олиш ва чиқариш даврида кўкрак ва қорин ҳаракати, тана ҳолати ҳақида маълумотлар олиш мумкин. Олинган маълумотлар компьютер ва инсон омили ёрдамида таҳлил қилинди. Шунингдек, маълумотлар қайта кўрилиб, улар орасидан обструктив апноэ учраган беморлар танлаб олинди. УОАС оғирлик

даражалари умумий қабул қилинган тасниф бўйича АГИ мос ҳолда тақсимланди. Бу жараёнда респиратор кўрсаткичлар (сатурация, пульс, апноэ ва хуррак)га эътибор берилди.

Кардио-респиратор мониторинг (КРМ) ПСГдан биров фарқ қилиб, ўтказиш қулай ва осон, унинг ёрдамида нафас оқими, пульс, сатурация, хуррак ва апноэ/гипопноэ ҳолатини текшириш ва УОАСни ташхислашда мустақил қўллаш мумкин. Беморларда динамикада СРАР-терапия самарадорлигини баҳолашда “Somnolab micro” (Германия, 2019 йил) апаратидан фойдаланилди.

ЭхоКГ текширув “Siemens Acuson x700” (Корея, 2016) ёрдамида ўтказилди. ЭхоКГ стандарт кўрсаткичлари парастернал позициядан икки тасвири (2D) кўрсаткичларни баҳолаш билан қайд қилинди. Интракардиал гемодинамика кўрсаткичлари умумий қабул қилинган тавсияларга кўра баҳоланди: диастола вақтида якуний диастолик ва систолик ўлчамлар, чап қоринча орқа девори ва қоринчалар аро тўсиқ қалинлиги ўлчанди. Америка эхокардиография жамияти (ASE) ва Европа кардиоваскуляр визуализация ассоциацияси (EACVI) 2015 йилда тавсия этилган кўрсатмаларга кўра чап қоринчанинг барча белгилари баҳоланди.

Қондаги биокимёвий кўрсаткичлар (умумий холестерин, қондаги наҳорги глюкоза миқдори, гликирланган гемоглобин, креатинин, мочевино) биокимёвий тестларни стандарт асосида “RANDOX” (Буюк Британия) компаниясининг биокимёвий анализатори “Daytona” ёрдамида амалга оширилди. Липид спектр, яъни умумий холестерин (УХС), триглицеридлар (ТГ), холестерин (ХС), юқори зичликдаги липопротеидлар (ЮЗЛП) миқдори “RANDOX” (Буюк Британия) компаниясининг тест тизимларидан фойдаланилган ҳолда, ферментатив усулда “Daytona” биокимёвий анализаторида олиб борилди.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш ва таҳлил қилиш “IBM SPSS statistics 29.0” дастуридан фойдаланиб, Microsoft Excel 2010 материаллар базасида олиб борилди. Ўртача арифметик (M); ўртача квадратик стандарт оғиш (SD); Медиана (Me), пастки (Q1) ва юқори (Q3) квартал кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди. Гуруҳлар ичида кўрсаткичларнинг нормал ёки нормал бўлмаган тақсимланиши Колмогоров-Смирнов бўйича баҳоланди. Икки гуруҳнинг медиана бўйича натижаларини таққослаш учун Манн-Уитни z тестидан фойдаланилди. 3 та ва ундан ортиқ гуруҳларни таққослаш таҳлилининг Kruskal Uolles туридан фойдаланилди. Фарқлар  $p < 0,05$  га тенг бўлганда ҳаққоний деб ҳисобланди. Ўрганилаётган кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик корреляция таҳлили натижалари билан Пирсон (r) ёки Спирмен (R) корреляция коэффицентини ҳисоблаш ва кейинчалик унинг аҳамиятини t мезони бўйича аниқлаш билан баҳоланди.

Сўровномалар орқали уйқу бузилишларига шубҳа қилинган беморларга ПСГ текшируви таклиф қилинди ва 116 нафар беморда ўтказилди. Беморларнинг 22 нафарида уйқу бузилишлари ва хурракдан шикоят бўлсада,

уларда УОАС аниқланмади. Қолган 94 нафар беморларда УОАС ташхисланди ва барчаларига СРАР-терапия таклиф қилинди. Беморлардан 43 нафари СРАР-терапияни давом эттиришга рози бўлдилар ва уларга уй шароитида қўллаш бўйича кўрсатмалар берилди. Беморлар қайта кўрикка 3 ойда чақирилди. КБТ самарадорлигини баҳолаш мақсадида I гуруҳ беморларига фақатгина КБТ ўтказилди, II гуруҳ беморларида КБТ СРАР-терапия билан ўтказилиб, самарадорлиги баҳоланди.

КБТни қўллаш кетма-кетлиги қуйидагича олиб борилди: бемор билан танишилади, шикоятлар тингланади, субъектив шикоятларни баҳолаш мақсадида психоэмоционал, когнитив ва уйқу бузилишларни аниқлаш мақсадида сўровномалардан фойдаланилади, муаммо аниқлангач психотерапия ҳақида беморга тушунча берилади, қайта боғланиш учун контактлар олинади. Уйқусизликни даволаш ва СРАР-терапияга мойилликни ошириш мақсадида тўртта сеанс КБТ ўтказилди. Психотерапия беморлар билан индивидуал ёки 10 кишидан ортиқ бўлмаган гуруҳларда олиб борилди. Учрашувнинг биринчи сеансида танишув, касаллик ҳақида тушунча, СРАР-терапиянинг аҳамияти, аппарат тузилиши ва ниқоб ҳақида тушинтирилди. Иккинчи учрашувда уйқусизликни ва хурракни олдини олиш мақсадида позицион терапия ва уйқу гигиенаси аҳамияти, фойдалари ҳақида суҳбат олиб борилди. Учинчи ва тўртинчи сеансларда релаксация ўтказилди.

Диссертациянинг “**Юрак ишемик касаллигида уйқу бузилишлари хусусиятлари**” деб номланган учинчи бобида ЮИҚда уйқу бузилишларига сабаб бўлувчи ёш, жинс ва ТВИга хос хусусиятлари кўрсатилган. Беморларда уйқу бузилишлари мавжуд ҳолатларда айнан субъектив шикоятлар сўралганда барча гуруҳдаги беморлар уйқусизлик, уйқуга кетишнинг қийинлиги, уйқунинг сифатсизлиги ва хурракдан шикоят қилдилар. Уйқу бузилишларидан текширув давомида умумий беморлардан (n=116) 106 (91%) нафар бемор уйқу бузилишларидан шикоят қилди. Уларнинг 78% ини хуррак безовта қилган ва II гуруҳда юқори кўрсаткич (93%) қайд этилди. Ерворт шкаласи бўйича беморларда инсомния (81%), яъни уйқучанликнинг юқори бўлганлиги ва I ва II гуруҳ ўртасида Ерворт ва УСШМҚШда статистик аҳамиятли фарқ аниқланди ( $p_{1-2} < 0,05$ ), STOP BANG тести билан кўрадиган бўлсак, беморларнинг 89,3%и хурракдан шикоят қилган.

**1-жадвал.**

**Уйқу шкалалари бўйича гуруҳлар таҳлили**

Уйқу шкаласи	Назорат гуруҳи (n=22)	I гуруҳ (n=51)	II гуруҳ (n=43)
Ерворт	12,6±0,58	13,8±0,51*	12,3±0,43
УСШМҚШ	14,1±0,62*	11,0±0,55*	12,8±0,62
STOP BANG	4,9±0,44	4,6±0,25	5,2±0,26

Изоҳ; \* – даврдан олдинги ва кейинги ишонарли кўрсаткичлар (\* –  $P < 0,05$ ; \*\* –  $P < 0,01$ ; \*\*\* –  $P < 0,001$ ).

Текширувдаги беморларда УОАС инсомния билан коморбид ҳолатда эканлиги аниқланди. Инсомния асосан клиник шикоятларга асосланган ҳолда тасдиқланади, лекин УОАСни тасдиқлаш учун ПСГ текширувидан фойдаланиш талаб қилинади. Бизнинг сўровнома натижаларимиз сомнология амалиётида бирламчи ташхис қўйишда ёрдамчи бўлиб, кейинги босқичларга тўғри йўналиш беради (1-жадвалга қаранг).

Гуруҳлар орасида Mini Ког тести орқали натижалар солиштирилганда соат чизиш бўйича I гуруҳ беморларда  $p_{n-1} < 0,01$  ва II гуруҳ беморларда  $p_{1-2} < 0,05$  ўзгаришлар ва АГИ ўртасида корреляцион боғлиқлик аниқланди ( $p=0,52$ ) (2-жадвалга қаранг).

**2-жадвал.**

### Mini Ког шкаласи бўйича кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=22)		I гуруҳ (n=51)		II гуруҳ (n=43)	
	абс	(%)	абс	(%)	абс	(%)
Соат чизиш тести	3	7	32**	62	30***	69
Сўзларни ёд олиш	15	68	24**	47	23***	53

Изоҳ; \* – даврдан олдинги ва кейинги ишонарли кўрсаткичлар (\* –  $P < 0,05$ ; \*\* –  $P < 0,01$ ; \*\*\* –  $P < 0,001$ ).

Психомоэмоционал ҳолат, уйқунинг сифати I ва II гуруҳ беморларида 58% ҳолатда ёмон эканлигини кўришимиз мумкин. Уйқудаги хуррак 76% ҳолатда II гуруҳ беморлари орасида кўпроқ кузатилди. I ва II гуруҳдаги беморларда статистик ишонарли кўрсаткичлар ( $p < 0,001$ ), психомоэмоционал ҳолат ҳамда АГИ ўртасида корреляцион боғлиқлик ( $r=0,02$ ) аниқланди (3-жадвалга қаранг).

**3-жадвал.**

### Уйқу бузилишининг скрининг сўровномаси натижалари таҳлили

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=22)		I гуруҳ (n=51)		II гуруҳ (n=43)		P <sub>n-I</sub>	P <sub>n-II</sub>	P <sub>I-II</sub>
	абс	(%)	абс	(%)	абс	(%)			
Психомоэмоционал ҳолат	11	50	30	58	25	58	<0,001	<0,001	>0,05
Уйқунинг сифати	18	81	39	91	39	89	<0,001	<0,001	>0,05
Уйқуда хуррак	10	45	24	47	29	42	<0,001	<0,01	>0,05
Когнитив ҳолат	12	54	17	51	33	76	<0,01	<0,01	>0,05

Глюкоза ва гликирланган гемоглобин миқдори бўйича гуруҳларда тавофут аниқланмади ( $p > 0,05$ ). Липид профили дастлабки текширувда барча гуруҳларда баланд бўлиб, ПЗЛП халқаро тавсия этилган меъёрдан ( $\leq 55$  мг/дл) баланд эканлиги аниқланди. Мочевина ва креатинин миқдорида фақатгина I гуруҳ беморларида аҳамиятли ( $< 0,05$ ) ўзгаришлар қайд этилди (4-жадвалга

каранг). ЖПЗЛ ( $p=0,37$ ), триглицеридлар ( $p=0,18$ ) ва холестерин атерогенлик коэффициенти ( $p=0,17$ ) ўртасида корреляцион боғлиқлик аниқланди.

**4-жадвал.**

**Беморларда клиник-лаборатор текширувлар таҳлили**

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=22)	I гуруҳ (n=51)	II гуруҳ (n=43)	P <sub>n-I</sub>	P <sub>n-II</sub>	P <sub>I-II</sub>
Наҳорги глюкоза, ммол/л	6,4±0,59	6,5±0,39	6,1±0,30	>0,05	>0,05	>0,05
Овқатдан кейинги глюкоза, ммол/л	7,7±0,89	7,9±0,61	7,9±0,63	>0,05	>0,05	>0,05
HbA1c, %	7,2±1,1	7,2±0,51	6,5±0,86	>0,05	>0,05	>0,05
Холестерин, мг/дл	194,3±12,4	191,1±7,5	185,2±7,3	>0,05	>0,05	>0,05
Триглицеридлар, мг/дл	177,7±24,9	194,3±17,7	210,2±21,7	>0,05	>0,05	>0,05
ЮЗЛП, мг/дл	45,7±2,9	42,6±1,7	40,5±1,5	>0,05	>0,05	>0,05
ЖПЗЛП, мг/дл	35,8±5,0	38,2±3,6	44,9±4,8	>0,05	>0,05	>0,05
ПЗЛП, мг/дл	113,2±9,5	108,6±7,0	100,0±6,4	>0,05	>0,05	>0,05
Холестерин атерогенлик коэффициенти	3,5±0,31	3,6±0,17	4,3±0,68	>0,05	>0,05	>0,05
Мочевина, мкмол/л	5,4±0,22	7,0±0,51	8,3±1,8	<0,05	>0,05	>0,05
Креатинин, мкмол/л	87,0±3,8	97,4±4,8	97,1±9,1	>0,05	>0,05	>0,05

Гуруҳлар орасида артериал қон босимининг даражалари I ва II гуруҳларда назорат гуруҳига нисбатан СКБ ва ДҚБ юқори кўрсаткичларни кўрсатди ( $p<0,05$ ).

